# Тошкент оқшоми

2013 йил 25 сентябрь, чоршанба

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 193 (12.504)

Баҳоси эркин нархда


## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ амалга оширилган комплекс чора-тадбирлар самарасида хорижий сармоядорларнинг мамлакатимиз иқтисодиётига қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бормоқда. Чет эллик шериклар билан ҳамкорликдаги корхоналар кўпаймоқда.***



Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган сурат

# МАҲСУЛОТ ТУРИ КЎП, СИФАТИ ЮҚОРИ

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси тасарруфидаги «East Butterfly» Ўзбекистон – Швейцария – Ҳиндистон қўшма корхонаси ана шундай бизнес субъектларидандир. Бу ерда мамлакатимиз автомобилсозлиги учун кенг турдаги бутловчи қисмлар ишлаб чиқарилмоқда. Маҳаллий хомашё асосида тайёрланаётган ушбу маҳсулотлар импортни қисқартириш ва валютани тежашга хизмат қилаётир.

Корхонада «Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгиланган вазифалар – аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга қаратилган маиший техника воситалари ишлаб чиқариш ҳам кенгаймоқда.

Жумладан, умумий овқатланиш муассасалари учун махсус идиш-товоқлар, нон пиширувчи ва микротўлқинли печлар, музлаткичлар, слайсерлар, сув қайнатадиган асбоблар, электр гўшт майдалагичлар ва идиш ювгичлар ишлаб чиқарилмоқда. Аравалар, витриналар каби сервис хизмати ашёлари савдо марказлари учун қўл келади. Маҳсулотлар мижознинг талаб ва хоҳишига кўра исталган ҳажм ва катталикда тайёрланиши мумкин. Ушбу маҳсулотлар барча зарур сертификатларга эга, ISO 9001:2000 халқаро стандартига мос.

Корхонадаги савдо-технологик ускуналар ва экологик тоза идишлар юқори сифатли пўлатдан тайёрланади. Маҳсулот учун зарур хомашёнинг аксар қисми мамлакатимиз корхоналаридан харид қилинади. «East Butterfly»да хомашё импортини янада камайтириш мақсадида изчил изланишлар олиб борилмоқда.

Қўшма корхона мутахассислари мижозларга юқори сифатли сервис хизмати кўрсатади. Корхона "SIQS" халқаро сифат сертификати билан тақдирланган.

– Бозор талаб ва таклифини пухта ўрганиб, шу аснода истеъмолчилар учун зарур маҳсулотлар етказиб берамиз, – дейди қўшма корхона бош директори Бахтиёр Нурдинов. – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, кўплаб имтиёзлар берилаётгани ютуқларимиз омили бўлмоқда. Мамлакатимизда ўтказилаётган кўргазмаларда, саноат ярмаркаларида иштирок этиб, буюртмачилар сафини янада кенгайтириш, янги шериклар топиш, ишбилармонлар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Бу орқали янги иш ўринлари яратиш, маҳсулот экспорти жўғрофиясини кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

«East Butterfly»да ишлаб чиқариш қамрови йил сайин кенгайиб, маҳсулот турлари кўпайиб бораётир. Бу ишлаб чиқариш ҳажмининг тобора ошишига хизмат қилмоқда. Мисол учун, 2012 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2 миллиард 50 миллион сўмни ташкил этди. Жорий йилда бу кўрсаткични 20 фоизга ошириш режалаштирилган.

Корхонада 70 киши меҳнат қилади. Уларнинг касб маҳорати ва малакасини ошириш учун махсус курслар ташкил қилинган. «Устоз – шогирд» анъаналари асосида ёшларга ишлаб чиқариш жараёни хусусида сабоқ бериш йўлга қўйилган.

– Тошкент давлат техника университетини тамомлаб, ушбу корхонага муҳандис-конструктор бўлиб ишга жойлашдим, – дейди Отабек Тоштамов. – Савдо-технологик ускуналар бўйича янги дизайнлар яратиш билан шуғулланаман. Бу ерда барча шароит муҳайё. Корхона равнақига ҳисса қўшиш, келгусида ўз соҳам бўйича етук мутахассис бўлиб етишиш ниятидаман.

Қўшма корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини янада ошириш ва маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

# АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ МИЛЛИЙ САММИТИ

***Пойтахтимизда ҳар йили ўтказиладиган «АКТ-саммит-2013» ахборот-коммуникация технологиялари миллий саммити бўлиб ўтди.***

«InfoCOM – 2013» – ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталигининг асосий воқеаларидан бири бўлган ушбу анъанавий тадбир мамлакатимизда соҳада изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасидир.

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раиси Х.Мирзоҳидов, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси А.Жўрабоев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳада АКТни янада ривожлантириш ҳамда кенг жорий этишга хизмат қилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июнда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури қабул қилиниши ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир.

Саммит Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот тизимлари ва телекоммуникация масалалари ахборот-таҳлил департаменти, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси ҳамда «CIB GROUP» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Мазкур тадбир миллий ва халқаро экспертларда тобора катта қизиқиш уйғотмоқда. Саммит ўтказилган дастлабки йилларда унда икки юз нафар делегат қатнашган бўлса, бу йилги тадбирда Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлардан 600 нафардан зиёд мутахассис, жумладан, Жанубий Корея, Германия, Беларусь, Қозоғистон ва Озарбойжон вакиллари эксперт сифатида иштирок этди.

Тадбирда «АКТ давлат секторида», «Технологиялар, ишланмалар ва ечимлар», «Интернет ва ахборот ресурслари», «Ахборот-кутубхона технологиялари» каби йўналишлар бўйича олтмишга яқин маъруза тақдим этилди. Ялпи ва шўъба йиғилишларида юқори технологиялар бозорининг етакчи экспертлари, давлат органлари, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, мамлакатимиз ва чет эл IT-компаниялари раҳбарлари ҳамда мутахассислари АКТни жамият ҳаётининг турли жабҳаларига жорий этишга доир долзарб масалаларни муҳокама қилди. Соҳага оид стратегиялар ва уни ривожлантириш масалалари, технологиялар, инфратузилма, илова ҳамда ечимлар кўриб чиқилди.

– Саммитнинг шўъбаларга бўлинган ҳолда ўтказилгани иштирокчиларга АКТ соҳасидаги турли долзарб масалаларни муҳокама қилиш имконини берди, – дейди ЎзА мухбирига Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг ахборот-коммуникация технологиялари бошқармаси бошлиғи О.Умаров. – Айниқса, миллий дастурий таъминот бозорини ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Президентимизнинг шу йил 20 сентябрда қабул қилинган «Мамлакатимизнинг дастурий таъминот воситалари ишлаб чиқувчиларини рағбатлантиришни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамиятга эга. Чунки дастурий таъминот соҳасидаги ишланмаларни қўллаб-қувватлаш АКТ соҳасини янада ривожлантиришга ёрдам беради.

Жанубий Кореядан ташриф буюрган мутахассислар ўз мамлакати давлат секторида АКТни қўллаш борасида эришилган ютуқлар ҳақида маъруза қилди.

– Ўзбекистонда қатор лойиҳалар, чунончи, «электрон ҳукумат» тизимини шакллантириш лойиҳаси устида ишламоқдамиз, – дейди БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси ва БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили С.Приснер. – Шу боис БМТ Тараққиёт дастури ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролар иштироки ва шериклик» қўшма лойиҳаси кўмагида «e-Hujjat» электрон ҳужжат айланиш тизими модернизация қилинди. Бу тизим тажриба лойиҳаси сифатида Жиззах ва Наманган вилоятларида жорий этилди. Келажакда уни Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида татбиқ этиш режалаштирилмоқда. Бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ниятидамиз.

Мазкур саммит мутахассислар, давлат органлари, халқаро ташкилотлар ва хусусий секторга АКТ бозорининг ҳолатини таҳлил қилиш, соҳадаги сўнгги ютуқлар билан танишиш, янги ишончли ҳамкорлар топиш, мамлакатимизда АКТни кенг жорий этиш учун қўшимча инвестиция ресурсларини жалб қилиш имконини берадиган ўзига хос платформага айланди.

**Бобур ОБИДОВ**

***Франция пойтахти Париж шаҳрида 24 сентябрь куни «IFTM Top Resa – 2013» халқаро сайёҳлик кўргазмаси очилди. Унда Ўзбекистон туристик салоҳияти кенг намойиш этилмоқда.***

# ФРАНЦИЯДА ЎЗБЕКИСТОННИНГ САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ НАМОЙИШИ

Ўзбекистон ўзининг қадимий обидалари, бой маданияти, зиёратгоҳлари, хушманзара табиати ва файзли гўшалари билан туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, ўзбекона меҳмондўстлик мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқимини янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда туризм саноатини янада ривожлантириш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон дунёнинг кўплаб мамлакатларида сайёҳлик соҳасида ўтказиладиган нуфузли халқаро кўргазма, ярмарка ва фестивалларда мунтазам иштирок этмоқда. Мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини халқаро миқёсда кенг намойиш қилиш ва шу йўл билан сайёҳлар оқимини янада кўпайтириш мақсадида «Ўзбектуризм» миллий компанияси томонидан маркетинг лойиҳалари – мега-инфо-турлар ташкил этилмоқда. Ушбу лойиҳа доирасида Буюк Британия, Венгрия, Италия, Испания, Нидерландия, Сингапур, Франция, Хитой, Япония каби кўплаб мамлакатларнинг икки юздан зиёд сайёҳлик компаниялари билан фаол ҳамкорлик қилинмоқда.

1978 йилдан буён ўтказиб келинаётган «IFTM Top Resa» дунёдаги энг йирик ва нуфузли халқаро кўргазмалардан. Маълумотларга қараганда, бу йил мазкур кўргазмада бир юз элликдан ортиқ мамлакатдан ўн мингдан зиёд сайёҳлик фирма ва компанияси вакиллари, соҳа мутахассислари ва экспертлар иштирок этмоқда. Кўргазма сайёҳлик саноатининг барча замонавий йўналишларини ўзида мужассам этган. Унда бизнес, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, экзотика, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соғломлаштириш каби йўналишларга оид қатор бўлимлар ишлаб турибди.

«Ўзбектуризм» миллий компаниясидан маълум қилишларича, Париждаги «Porte de Versailles» кўргазмалар мажмуида ўтказилаётган нуфузли туризм форумидан жой олган «Ўзбекистон» миллий стенди шарқона дизайни ва мазмундорлиги билан кўргазма иштирокчилари ва меҳмонлар эътиборини тортмоқда. Унда мамлакатимиздаги тарихий обидалар, халқимизнинг миллий анъана ва қадриятларини акс эттирган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз ва Тошкент шаҳарларининг диққатга сазовор жойларига оид ранг-баранг маълумотлар ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Кўргазма доирасида Ўзбекистоннинг Франциядаги элчихонаси билан ҳамкорликда мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳиятига бағишланган «Ўзбекистонга хуш келибсиз!» тақдимот маросими бўлиб ўтади. Унда Европа мамлакатларининг оммавий ахборот воситалари вакиллари ва йирик туроператорлари иштирок этади.

«IFTM Top Resa – 2013» халқаро кўргазмаси жаҳон жамоатчилигини мамлакатимиз сайёҳлик саноати имкониятлари билан кенг таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, икки ва кўп томонлама манфаатли шартномалар тузиш, туристик бизнес ривожининг тенденцияларини аниқлаш, жаҳон сайёҳлик бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишиш, бу борада ўзаро фикр ва тажриба алмашиш имконини беради.

**(ЎзА)**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● **Самарқандда «Фуқаролик институтлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг жамоатчилик экспертизаси: қонунчиликни демократлаштириш масалалари» мавзуида халқаро илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.**

● **Жиззахда санатор-курорт соғломлаштириш ва тиббий туризмни ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Жанубий Корея, Германия каби мамлакатлар тиббиёт, соғломлаштириш марказлари ҳамда тиббий туризмни ривожлантириш ташкилотлари мутахассислари иштирок этди.**

● **Денов туманидаги «Афросиёб» корхонаси жамоаси қиш ва баҳор ойларида ҳам ички бозорга сархил мева-сабзавот маҳсулотлари етказиб бериш мақсадида сиғими 200 тонналик музлаткичли омборхонани ишга туширди. Натижада 10 га яқин қўшимча иш ўринлари яратилди. Ҳозирда хориж технологияси билан жиҳозланган омборхона куз неъматлари билан тўлдирилмоқда.**

● **Хўжайли туманида «Хўжайли ёшлари» масъулияти чекланган жамияти фаолиятини бошлади. Банкнинг 200 миллион сўмлик кредити ҳисобига амалга оширилган мазкур лойиҳа шарофати билан йилига 2 миллион дона тайёр тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш имконияти яратилди. Энг муҳими, бу ерда касб-ҳунар коллежларининг 30 нафар битирувчиси иш билан таъминланди.**

● **Навоий шаҳрида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Кувноқ стартлар» телевизион спорт мусобақасининг финал босқичи бўлиб ўтди. Бу галги мусобақанинг мамлакат босқичида 9-14 ёшли 378 нафар ўқувчи ўзаро куч синашди. Баҳслар якунига кўра, қорақалпоғистонлик ёшлар шоҳсупанинг юқори поғонасига кўтарилди. Иккинчи ўринни мезбонлар жамоаси эгаллаган бўлса, самарқандлик ва жиззахлик ёшлар учинчи ўринга муносиб кўрилди.**

### ЖАҲОНДА

● **«Синабунг» вулқони отилиши боис Индонезия ҳукумати топшириғига биноан Суматра оролида яшовчи 16 минг нафар фуқаро бошқа жойга кўчирилди. Бундан ташқари, табиий офатдан ажралиб чиқаётган қуюқ тутун ва кул туфайли айрим йўналишлардаги самолётлар парвози ҳам вақтинча тўхтатилди.**

● **Нью-Йоркда хакерларнинг Бутунжаҳон мусобақаси бўлиб ўтмоқда. Айримлар мусобақада шу ернинг ўзида иштирок этаётган бўлсада, кўпчилик жамоалар турнирда масофавий тарзда қатнашмоқдалар. Мусобақанинг ярим финалида АҚШ ва Хитой командалари — Питтсбург ва Пекин университетлари жамоалари энг яхши натижаларни кўрсатди.**

● **Сингапур полицияси томонидан футбол бўйича халқаро учрашувларни олдиндан келишилган ҳолда керакли ҳисобда якунланишини уюштириб келаётган жиноятчилар гуруҳининг етакчиси Дан Тан исмли шахс қўлга олинди. Шунингдек, унинг 13 нафар шериклари ҳам ушланди. Қўлга олинган кишилар келишилган футбол ўйинларини ташкил этиш ва уюшган жиноятчиликка алоқадорликда гумон қилинмоқда.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **ПОЙТАХТИМИЗДАГИ** Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Халқаро тинчлик кунига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

✓ **КЕЧА** Ўзбекистон тарихи давлат музейида «Нон – ризқ-рўзимиз» деб номланган тадбир ўтказилди.

✓ **БУГУН** Республика телевидение ва радио касб-ҳунар коллежида «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг Бектемир туман босқичи ташкил этилди.

# ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши сессияси олдидан доимий комиссияларнинг йиғилишлари бўлиб ўтди. Жумладан, кеча халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод, Ижтимоий-маданий ривожланиш ҳамда Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи ҳамкорлигида йиғилиши бўлиб ўтди.***



Йиғилишда Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси ва Халқ таълими бош бошқармасининг туман бўлимлари мудирлари, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлими, «Камолот» ЁИҲнинг шаҳар Кенгаши ҳамда Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими вакиллари иштирок этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2013 йил 12 сентябрдаги «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда ўтказиш тўғрисида»ги қарорининг ижросини таъминлаш масаласи ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги «2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури» тўғрисидаги қарорининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ва халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳрида ижро этилишини ўрганиш натижалари тўғрисида»ги қўшма қарорининг ижроси муҳокама этилди.

Йиғилишда «Инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этишни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижроси юзасидан Тошкент шаҳрига хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Тошкент шаҳар Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси томонидан олиб борилаётган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Бундан ташқари «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси юзасидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Ҳамза, Чилонзор ва Учтепа туман ҳокимликлари мутасаддиларининг ҳисоботлари эшитилди.

Шунингдек, «Обод турмуш йили» Давлат дастури асосида аҳоли саломатлигини сақлаш тизимини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уларни замонавий ташхис ва даволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, касалликлар профилактикасини кенгайтириш ҳамда даволашнинг илғор тиббий технологиялари ва методларини жорий этиш, болалар ва оналарнинг соғлиғини мустаҳкамлаш юзасидан Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманларида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Бундан ташқари ёшларнинг уяли алоқа воситаларидан фойдаланишлари жараёнида интернет тармоқлари орқали кириб келаётган информацион хуружларнинг олдини олишга қаратилган вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари Н.Насимов, С.Бобоқулов, Ж.Иноғомов, Ш.Ирисметов, К.Шокирова, Т.Матибоев, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Жамоат ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича мажмуаси котибияти мудири Б.Қосимов, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи У.Саматов, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Р.Хаитбаева, Халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари А.Мамаджонов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари В.Акайдинов, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими бошқаруви раиси ўринбосари Ф.Маҳмудхўжаев, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши бўлим мудири Э.Аҳмедов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Йиғилишда билдирилган тавсия, фикр ва мулоҳазалар эътиборга олиниб, доимий комиссияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

* * *

***Шу куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясига ёрдам берувчи халқ депутатлари Тошкент шаҳар ишчи гуруҳи ҳамкорлигида халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари бўйича доимий комиссияларининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.***

Унда жорий йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтадиган Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш ҳамда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари бўйича олиб борилаётган амалий ишлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунининг ижро этилиши, хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси томонидан олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Бундан ташқари туманларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

Кун тартибидаги масалалар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг депутатлари С.Бобоқулов, П.Йўлдошев, У.Шоймқулов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар

Йиғилиш кун тартибидаги масалалар бўйича халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

---

*Тошкент шаҳар ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 2013/2014 ЙИЛЛАРДА ҚИШ-БАҲОР МАВСУМИ УЧУН АСОСИЙ ТУРДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЗАҲИРАГА ҒАМЛАШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2013 йил 22 августдаги 01-03/1-455-сонли баённома топшириғи ижросини таъминлаш ҳамда Тошкент шаҳрида 2013/2014 йил қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳирага ғамлаш ишларини ташкил қилиш асосида шаҳар аҳолисини арзон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини тўлақонли қондириш мақсадида,* ***ҚАРОР ҚИЛАМАН:***

1. Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорлари қошида ташкил этилган «Элга хизмат» шўъба корхоналари, ижтимоий соҳа муассасалари, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, саноат корхоналари ва ташкилотлар ҳамда маҳаллаларнинг 2013/2014 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳирага ғамлаш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Тошкент шаҳрида 2013/2014 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳирага ғамлаш тақсимоти 1-иловага, Тошкент шаҳрида 2013/2014 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳирага ғамлаш масалаларини назорат қилиш бўйича ишчи гуруҳи таркиби 2-иловага, маълумот беришнинг намунавий шакллари 3а, 3б, 3в-иловаларига мувофиқ тасдиқлансин.

3. «Тошбозорсавдо» уюшмаси (А.Хамраев), «Элга хизмат» шўъба корхоналари, туман ҳокимликларига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

Тошкент вилоятининг Зангиота, Паркент, Ўртачирчиқ, Юқоричирчиқ, Бекобод ва Бўка туманларидаги фермер хўжаликлари билан асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш бўйича шартномалар тузиб, тўловлари ўрнатилган тартибда амалга оширилсин ва маҳсулотларни жойида сақлашга рухсат берилсин;

Тошкент шаҳридаги корхона ва ташкилотлар, таълим муассасалари, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан «Тошкент қишлоқ хўжалик маҳсулотлари улгуржи бозори» ОАЖ ўртасида 2013/2014 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (картошка, пиёз, сабзи, карам, гуруч) заҳирага ғамлаш учун шартнома тузиш ҳамда белгиланган миқдорда маҳсулотларнинг етказиб берилишини таъминлаш;

савдога жалб қилинган сотувчиларни зарур миқдорда тош-тарози, керакли ускуналар, расталар ҳамда махсус жойлар билан таъминлаш чораларини кўриш.

4. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими (Ж.Иноғомов), туман бўлимлари билан биргаликда:

тузилган шартномага асосан 66483 тонна асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини (картошка, пиёз, сабзи, карам ва гуруч) шаҳардаги 475 та маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолининг қиш-баҳор мавсумида истеъмоли учун 2013 йил сентябрь-ноябрь ойларида оммавий тарзда автотранспортларда кўчма савдо орқали савдоси ташкил этилишини таъминласин;

ҳар бир маҳаллада маҳалла оқсоқоли бошчилигида штаб тузилиб, маҳалла аҳолиси орасида заҳира яратиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилсин, аҳоли учун маҳаллада савдо учун қулай бўлган марказий жойлар белгилансин ҳамда маҳаллада тузилган штаб аъзолари томонидан олиб келиб сотилаётган маҳсулотлар сифати ва нархи доимий назоратга олинсин.

5. Тошкент шаҳридаги 1-иловадаги саноат корхоналари, таълим муассасалари, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўз ишчи-ходимларини қиш-баҳор мавсумида истеъмоли учун зарур бўлган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари заҳирасини яратиш мақсадида, Тошкент вилояти туманларида ташкил этилган давлат корхоналари билан белгиланган тартибда шартнома тузиш ва маблағлар ўтказиб бериш чора-тадбирларини амалга оширсинлар.

6. Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси (У.Баходиров), Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тошкент шаҳар бошқармаси (Н.Алимов):

асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини тайёрловчи корхоналар томонидан кредит ва нақд пул маблағларига тақдим этилган буюртмалар ижроси юзасидан ҳар 10 кунда таҳлилий маълумотлар Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этиб борилсин;

«Элга хизмат» шўъба корхоналари ва Тошкент вилояти туманларидаги ташкил этилган давлат корхоналари ўртасида тузилган шартномалар бўйича мақсадли кредит ресурсларини белгиланган тартибда ажратилишини таъминлаш чора-тадбирларини белгиласин ҳамда ушбу масалага шахсан жавобгар этиб тайинлансин.

7. Савдо, хизмат кўрсатиш ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти (Р.Абдумажитов), «Тошбозорсавдо» уюшмаси (А.Хамраев), Халқ таълими бош бошқармаси (Э.Акбаров), Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси (Б.Мамажонов), Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси (Ф.Иноятов), коммунал хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар, олий ўқув юртлари ректорлари, туман ҳокимлари:

тасарруфида мавжуд заҳира омборларини, совутиш камераларини жорий ҳамда капитал таъмирлаш ва мавсумга тайёрлаш ишларини ташкил этсинлар;

2013 йил сентябрь-ноябрь ойларида асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг заҳирага қўйиш тармоқли жадвалини ишлаб чиқсинлар ва ижроси юзасидан кундалик мониторинг ўрнатиб, Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этсинлар;

Тошкент шаҳридаги деҳқон бозорлари қошида ташкил этилган «Элга хизмат» шўъба корхоналари, ижтимоий соҳа муассасалари, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ҳамда маҳаллаларда 2013/2014 йиллар қиш-баҳор мавсуми учун асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини заҳирага ғамлаш ишлари бажарилишини таъминлаш юзасидан назорат механизми ўрнатиш учун 3а, 3б ва 3в-иловалардаги шаклларга асосан таҳлилий маълумотларни Тошкент шаҳар ҳокимлигига тақдим этиб борсинлар.

8. Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти, «Тошбозорсавдо» уюшмаси, «Элга хизмат» шўъба корхоналари, корхона ва ташкилотлар, коммунал хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, ижтимоий соҳа муассасалари раҳбарлари, туман ҳокимларининг аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш, маҳсулотларни бир маромда ва арзон нархларда етказиб бериш масалаларига шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

9. Ушбу қарор «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарида эълон қилинсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев ҳамда Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти раҳбари Р.Абдумажитов зиммасига юклатилсин.

**Тошкент шаҳар ҳокими**
**Р.Усманов**

*2013 йил 20 сентябрь*

***Ушбу қарорнинг тўлиқ матни билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг расмий «Toshkent.uz» сайти орқали танишиш мумкин.***

---

***Пойтахтимизда амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг (ХУЖМШ) ҳиссаси катта. Ҳамза туманидаги «Зебо Шамс» ХУЖМШ шундай ширкатлардан биридир. Ширкат раиси Мирзаабдулла Мирҳамидов Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.***

# БАРЧА МАСАЛА ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

– Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг муваффақиятли фаолият кўрсатиши нафақат маҳаллий ҳокимият органлари, балки аҳоли ташаббускорлиги, ободонлаштириш ишларига лоқайд бўлмаслиги, ўзи истиқомат қилаётган уйнинг файзли, тоза ва иссиқ бўлишига интилишига боғлиқ, – дейди М.Мирҳамидов. – Ширкатимиз етти уй, 368 хонадонга хизмат кўрсатади ва бу ерда истиқомат қиладиган ҳар бир одам умумий ишга ўз ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилади.

Туман ҳокимлиги ва маҳалла кўмагида ХУЖМШ саъй-ҳаракати билан турар жойлар томи таъмирланди, болалар майдончаси қурилди, йўлларга асфальт ётқизилди, бир неча уйнинг кириш йўлаги таъмирланиб, уларга туташ ҳудудлар кўкаламзорлаштирилди. Муҳандислик-коммуникация тизими янгиланди, янги қувур устунлар, кириш йўлакларига темир эшиклар ўрнатилди. Шунингдек, энергия ресурслари истеъмолини камайтириш мақсадида кириш йўлакларига электр ҳисоблагичлар ўрнатилди. Аҳоли умумий мулкни асрашга ҳаракат қилмоқда. Зеро, пойтахтимиз ободлиги шунга боғлиқ. Ишонч билан айтиш мумкинки, дастлабки ширкат ташкил қилинганидан буён ўтган вақт мобайнида одамлар онгида ҳам катта ўзгаришлар рўй берди. Бугун аҳоли уй ўзларининг шахсий мулки экани ва уни асраб-авайлаш зарурлигини яхши билади.

Мавжуд маблағни тежаш мақсадида бир неча мутахассисликни бирлаштириш ҳисобидан штат бирликлари сони қисқартирилди. Асосий мақсад эса аҳоли учун имкон қадар қулайлик яратишдан иборат. Шу боис ширкат ишчилари белгиланган вазифани ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари, авария ҳолатлари юз бермаслиги учун ҳар доим лифт ва электр мутахассиси навбатчилиги йўлга қўйилган.

Ишнинг шу тахлит тартибли йўлга қўйилиши натижасида кўп қаватли уйларда лифт деярли бузилмайди, барча қаватларга чиқиш йўлаклари заруратга қараб таъмирланаётир. Аҳолига кўрсатилаётган бундай ғамхўрлик ўз самарасини бермоқда. Яъни, аҳоли коммунал хизмат тўловларини ўз вақтида тўламоқда. Ширкат раиси, ўз навбатида, ҳар чоракда ўтадиган умумий йиғилишда ҳисобот беради, аҳоли эса ўз талаб ва таклифини киритади.

Бугун мазкур ХУЖМШда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари якунланаётир. Ҳар бир уйнинг ҳолати кўздан кечирилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди, иситиш тизимлари ювиб, тозаланди.

М.Мирҳамидов, шунингдек, икки йил муқаддам ташкил этилган ва ширкат ишига яқиндан ёрдам бераётган профессионал бошқарув компанияси – «Зебо коммунал таъмир» масъулияти чекланган жамиятида ҳам меҳнат қилади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 24 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги Қарори асосида профессионал бошқарув компаниялари 2014 йилгача ягона ижтимоий тўловлардан ташқари, солиқ, йиғим ва мажбурий тўловлардан озод этилган. Шу сабабли улар ўз маблағини муҳим масалаларни ҳал этишга йўналтириши мумкин. Масалан, ширкатнинг шахсий юк машинаси ҳудудни, айниқса, хазонрезги пайтида тозалаш имконини бермоқда.

Шу билан бирга, ХУЖМШ ўтган йили таркибига киритилган уйларнинг муҳандислик-коммуникация тизимини капитал таъмирлаш, кириш йўлакларига кодли қулф ўрнатиш, футбол майдончаси қуришни режалаштирган. Шуниси эътиборлики, барча ишлар аҳоли томонидан бамаслаҳат ва ҳамжиҳатлик билан амалга оширилмоқда.

**Ирина ДОЛЕНКО,**
**ЎзА мухбири**

---

# ЮРТГА МАДАДКОР ЁШ ТАДБИРКОРЛАР

***«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашида ҳаракат ташаббуси ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, Республика Марказий банки, «Микрокредитбанк», «Агробанк», «Асака банк», «Қишлоқ қурилиш банк» очиқ акциядорлик тижорат ва «Ипотека» банклари билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ёш тадбиркор – юртга мададкор», «Ёш тадбиркор – келажакка пойдевор» танловларининг республика босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.***

Ушбу танловларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш, уларнинг якка тартибдаги меҳнат фаолиятини йўлга қўйишига кўмаклашиш, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, уларга имтиёзли микромолиявий хизматлар кўрсатиш, янги иш ўринларини яратиш, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш борасида ёш авлод ташаббус ва интилишларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини, ҳуқуқий саводхонлигини оширишдан иборатдир. 2008 йилдан бери ҳар йили анъанавий тарзда уч босқичда ўтказиб келинаётган мазкур танловларда ўтган давр мобайнида 10 250 нафар ёшлар иштирок этди. Шундан етти ярим мингга яқин ёшларга тижорат банклари томонидан 30 миллиард сўмга яқин микрокредитлар олишга кўмаклашилди. Лойиҳалар давомида 165 нафар ёш тадбиркорнинг 105 миллион сўм миқдоридаги кредит фоизлари Ҳаракат томонидан тўлаб берилди.

Танловларнинг биринчи босқичи жорий йилнинг 1 апрелидан 1 июнигача қадар ўтказилди. Унда иштирок этиш учун ёшлар томонидан 2012 йилда Республика бўйича беш мингдан ортиқ аризалар топширилган бўлса, бу кўрсаткич 1 июнь ҳолатига кўра, 6 300 тани ташкил этди. Лойиҳанинг аҳамиятли жиҳати шундаки, танловларнинг қуйи босқичларида Ҳаракатнинг «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари координатор ва бизнес тренерлари томонидан ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантиришга доир ўқув-семинарлар ташкил этилди. Семинарларда жами 592 нафар ёшлар тадбиркорлик соҳасида ўз билим ва тажрибаларини оширдилар. Шулардан бизнес лойиҳалари истиқболли деб топилган 108 нафардан ортиқ ёшларга ҳудудий ишчи гуруҳлар томонидан тижорат банкларининг умумий қиймати 922 миллион сўмга яқин имтиёзли кредит маблағларини олишлари учун тавсияномалар берилди.

Ҳудудий босқичда ғолиб деб топилган 95 нафар ёш танловнинг республика босқичида иштирок этиш имкониятига эга бўлдилар. Маълумот ўрнида келтириш жоизки, Ҳаракат тизимларида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадида жами 25 та «Ёш тадбиркор» консультатив марказлари ташкил этилган. Шу пайтга қадар мазкур марказлар томонидан ўтказилган 516 та семинар-тренингларда 33 мингдан зиёд ёшлар иштирок этган. Малакали мутахассис-тренерлар, тижорат банклари ва ҳамкор ташкилотларнинг масъул ходимлари жалб қилиниб, улар учун «Бизнесни тартибга солувчи қонуний-меъёрий ҳужжатлар», «Кичик бизнеснинг юридик мақомини танлаш», «Тижорат банкларининг кредит сиёсати», «Бизнес режа ёзиш талаблари», «Кичик бизнесда брендинг ва кадрлар сиёсати», «Корхона маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш», «Кичик бизнесни солиққа тортиш муаммолари», «Савдо-саноат палатасининг кичик бизнесга ёрдам бериш имкониятлари», «Кичик бизнес технологияларини топиш, олиб келиш ва сотиб олиш шартлари», «Тадбиркорлик фаолиятида хавфсиз меҳнат шароитини яратиш – меҳнат муҳофазасининг омили» каби мавзуларда амалий машғулотлар, ўқув-семинарлари ташкил этилди.

Жорий йилда танловнинг якуний – Республика босқичи натижаларига кўра, 44 нафар ёш ғолибликни қўлга киритди. Жумладан, «Агробанк» ОАТБдан Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан жами 14 нафар, «Асака банк», «Қишлоқ қурилиш банк» ОАТБлари ва «Ипотека» банк АТИБдан тўрт нафардан жами 12 нафар, «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкидан 18 нафар ёш тадбиркорлар имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши юзасидан тавсияномалар ҳамда ташкилотчиларнинг дипломи ва қимматбаҳо эсдалик совғаларига эга бўлдилар. Уларнинг кредит фоизлари Ҳаракат томонидан тўлаб берилади.

— Чорвачиликни ривожлантириш соҳасидаги бизнес лойиҳам билан муваффақиятга эришиб турибман, — дейди танлов ғолиби, самарқандлик Отабек Эргашев. — Ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйиш учун «Агробанк»дан 15 миллион сўм миқдоридаги имтиёзли кредит маблағига эга бўлдим.

— Олтиариқ туманида чарм сумка ишлаб чиқариш йўналишидаги корхонам учун «Микрокредитбанк» очиқ акциядорлик тижорат банкидан 23 миллион сўмлик кредит маблағи олдим, — дейди танлов ғолиби Ҳусанбой Қаюмов. — Жорий йилда 21 ёшга тўлган бўлсам-да, мен каби тенгдошларимнинг олти нафарини қўшимча иш ўрни билан таъминладим.

Шунингдек, «Энг яхши экологик тоза маҳсулот» йўналишида бухоролик Шерзод Раҳмонов, «Касаначилик асосида энг кўп иш ўринлари яратган тадбиркор» йўналишида самарқандлик Чарос Саъдуллаева, «Энг яхши инновацион лойиҳа» йўналишида Тошкент вилоятидан Илҳом Исҳоқов, «Қишлоқда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш» йўналишида наманганлик Жавлон Раҳматуллаев ва «Энг ёш тадбиркор» йўналиши бўйича андижонлик Абдулатиф Жалолдиновлар танловнинг республика босқичи ғолиби деб топилди.

— Олма маҳсулотларини қайта ишлаб, олма талқонини ишлаб чиқариш фаолиятини йўлга қўйганман. Олма талқонини барча турдаги олмалардан олса бўлади. Унинг инсон организми учун фойдали жиҳатлари фанда аниқланган. Тадбиркорлик маҳсулотларимизнинг афзаллик жиҳати шундаки, йил бўйи катта-кичик инсонлар олма меваси мазасидан баҳраманд бўлади, — дейди танловнинг «Энг ёш тадбиркор» йўналиши бўйича ғолиби, 1996 йилда туғилган андижонлик тадбиркор Абдулатиф Жалолдинов. – Янги технологиялар сотиб олиш учун «Асака банки»дан саккиз миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, яна икки нафар ишчи ва бир нафар ҳисобчини иш билан таъминладим. Келгусида эса чекувчиларнинг ушбу иллатдан секин-аста қутулишларида яхшигина самара берувчи сигарет кўринишидаги, таркиби зарарсиз олма пўстлоғидан иборат бўлган маҳсулотларни яратиш сингари ғоя ва ташаббусимни ҳамкорлар билан йўлга қўйиш истагим бор.

Тадбир таниқли санъаткорлар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Собиржон Мўминов, «Ниҳол» мукофоти совриндори Гуласал иштирокидаги гала-концерт намойиши билан ўз ниҳоясига етди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,**
**ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 майдаги «2013-2017 йилларда атроф-муҳит муҳофазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисидаги қарорида кўзда тутилган «Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва Барқарор ривожланиш масалаларида аҳоли хабардорлигини ошириш» лойиҳасининг ижроси йўлида, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «ЭКОСАН» халқаро экология ва саломатлик жамоат фонди ва «Чинор» ЭНК экологик ноширлик компанияси ҳамкорлигида Республика журналистларининг «Қоплон-2013» республика кўрик-танлови доирасида ОАВ вакиллари учун Жиззах вилоятига экологик медиатур ташкил этдилар.*

## НАВБАТДАГИ ЭКОМЕДИАТУР МАЗМУНЛИ ЎТДИ

Мазкур лойиҳа атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва Барқарор ривожланиш, табиат ва инсон ўртасидаги муносабатларнинг уйғунлашуви, табиий ресурсларни тиклаш ҳамда муҳофаза қилишда инсонларнинг ўрни ва масъулиятини ошириш борасидаги билимлар ахборотларни кенг тарқатишга йўналтирилган бўлиб, медиатур иштирокчилари ўз ижодий сафарини Зомин ўлкасининг қадимий маданиятини намоён этувчи, жорий йилнинг апрель ойидан ўз фаолиятини бошлаган Зомин ўлкашунослик-тарих музейига ташриф билан бошладилар. Экспонатлар орасида Зомин табиати тўғрисидаги ижод намуналари, бугунги кунга қадар яхши сақланиб қолинган гиламлар, сўзаналар, кийимлар, тарихий топилмалар (тангалар, Зардуштийлар даври ҳамда Буюк Ипак йўли давридан сўзловчи турмушда фойдаланилган сопол буюмлар ва ҳ.) эътиборга сазовор бўлди.

Медиатур тадбирлари антропоген омиллар таъсир этмаган ва арчазорларнинг хушбўй ҳидларига тўйинган, бетакрор табиатга эга, 26 840 га. (жумладан, 16 828 га. ўрмон билан қопланган) майдонга эга, Туркистон тоғ тизмалари билан туташган, Ўзбекистоннинг муҳофаза этиладиган йирик ҳудудларидан бири – Зомин миллий табиат боғи, у ерда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш орқали давом этди. Бу ердаги ўсимликларнинг 13 та тури Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи ҳамда Ўзбекистоннинг «Қизил китоб»ларига киритилган. Туркистон тоғ тизмасининг ғарбий қисмидаги ўсимликларнинг 48 та тури эндем ҳисобланади, доривор ўсимликларнинг 20 тури ўсади, сут эмизувчи ҳайвонларнинг, шунингдек, қуш ва балиқларнинг 100 дан ортиқ тури яшайди, Ўзбекистон «Қизил китоби»га киритилган ҳайвонлар ҳам учрайди.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ахборот хизмати раҳбари, кимё фанлари номзоди Х.Асилбекова раҳбарлигида журналистлар учун ўтказилган матбуот анжуманида ушбу Миллий боғ ва Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини назорат ва муҳофаза қилиш бўйича вилоят инспекцияси инспекторлари биохилма-хилликни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида сўзлаб, журналистларни қизиқтирган саволларга батафсил жавоб бердилар.

Анжуманда «Чинор» ЭНК бош директори М. Носиров, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан чоп этилган «Ўзбекистон қўриқхоналарининг жонли хазинаси — Живые сокровища заповедников Узбекистана» фотосуратли маълумотноманинг тақдимотини ўтказди.

Медиатур чоғида олинган маълумотларга визуал гувоҳ бўлиш ҳамда табиатнинг бетакрор манзараларидан, зилол суви, тоза ҳавосидан бевосита баҳра олиш мақсадида, журналистлар Зомин шаршарасида, Зомин санаторийсида, Туркистон тоғ тизмасининг юқори ҳудудларида жойлашган: шифобахш сув манбаси — «Шербулоқ» чашмалари»да, «Келинчак булоқ», «Супа», «Бобоёнғоқ» каби объектларда бўлдилар, экотуризмни ривожлантириш борасида ташкиллаштирилаётган саъй-ҳаракатлар билан яқиндан танишдилар.

**Миркарим МИРСОВУРОВ,**
**«ЭКОСАН» халқаро жамоат фонди бўлим бошлиғи**

## ЎЗБЕК ФИЛЬМЛАРИ МИЛАНДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

***Тошкентда «Спорт кино ва телевидениеда» VIII Халқаро саралаш фестивали якунланди.***

Ўзбекистон спорт киноси ва телевидениеси федерацияси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий Олимпия қўмитаси, қатор давлат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро саралаш фестивалига мамлакатимиздан ташқари Германия, Франция, Португалия, Италия, Беларусь, Латвия, Грузия, Эрон каби ўнга яқин давлат ижодкорлари томонидан суратга олинган юзга яқин бадиий, ҳужжатли, телевизион ва анимацион фильмлар, репортаж ва очерклар, ижтимоий роликлар тақдим этилди. Улар орасидан танлаб олинган ўттизга яқин асар фестивалда намойиш қилинди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мазмун-моҳияти, аҳамияти ва самараларини санъат воситасида ёритишда мазкур халқаро фестиваль ҳам муҳим ўрин тутади.

2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган анъанавий «Спорт кино ва телевидениеда» халқаро саралаш фестивали мамлакатимиз спорт салоҳиятини, соҳа ривожи йўлида яратилаётган кенг имкониятлар, спортчиларимизнинг халқаро майдонларда эришаётган ютуқларини дунёга намойиш этишга хизмат қилмоқда. Халқаро спорт киноси ва телевидениеси федерациясига бугунги кунда дунёнинг юздан зиёд давлати аъзо. «Спорт кино ва телевидениеда» халқаро саралаш фестиваллари дунёнинг 14 шаҳрида ўтказилади.

«Олимпия шон-шуҳрати» музейида фестивалда турли номинациялар бўйича ғолиб бўлган фильм ижодкорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

«Киносаёҳат ва спорт» компанияси режиссёрлари Анвар Авазхўжаев ва Людмила Гармашнинг уч карра Олимпия ўйинлари ғолиби Артур Таймазов ҳақидаги «Кураш – менинг ҳаётим» фильми «Олимпия ўйинлари – олимпия руҳи» номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

Шунингдек, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг «Ўзбек футболи» ва «Кураш» ҳужжатли фильмлари, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телерадиоканали томонидан тайёрланган «Парашютдан илк сакраш» телесюжети, «Орзулар ушалмоқда» видеоролиги, «Форум ТВ» сунъий йўлдош телеканалининг «Биз ҳар хилмиз, лекин бизни айкидо бирлаштиради» телефильми, Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти тўртинчи босқич талабаси Дилшод Ғаниевнинг «Ўзбекистон ифтихори» ҳужжатли фильми ҳам турли номинациялар бўйича ғолиб бўлди.

Фестивалда «Мен югуришни хоҳлайман» (Германия), «Бизнинг футбол» (Грузия), «Мен бахтлиман» (Беларусь), «Чавандоз аёл» (Франция) ва эронлик ижодкорларнинг анимацион фильмлари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди.

Халқаро саралаш фестивалида ғолиб чиққан фильмлар жорий йилнинг декабрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида ўтадиган XXXI Бутунжаҳон «Sport movies & TV» фестивалида намойиш этилади.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**





Ёлқин Шамсиддинов (ЎзА) олган суратлар

***Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан Тадбиркорлик субъектлари учун ҳар ойнинг иккинчи ярмида қўмита мажлислар залида «Очиқ эшиклар куни» ўтказилиб келинади.***

## ИШБИЛАРМОНЛИК СУБЪЕКТЛАРИ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

2012 йил давомида 12 та, 2013 йилда эса 8 та шундай тадбирлар ўтказилди. «Очиқ эшиклар куни»да тадбиркорлик субъектлари томонидан ўзлари учун керакли бўлган Ўзбекистон Республикасининг Табиатни муҳофаза қилиш Қонунлари ва қонуности ҳужжатлари талаб этиладиган меъёрий ҳужжатларни қандай расмийлаштириш, уларни ишлаб чиқиш ва ким томонидан тасдиқланиши тўғрисидаги мурожаатлари ва мурожаат аризалари қўмитага келиб турибди.

Тадбиркорлик субъектлари жамиятнинг иқтисодий негизи ҳисобланади. Уларга кенг имкониятлар яратилмоқда. Шуни алоҳида эътироф этиш керакки, сўнгги йилларда тадбиркорлик фаолиятини такомиллаштиришга доир Президентимизнинг кўплаб Фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилинди. Бу ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар замирида тизим фаолиятини бевосита кенгайтириш, фаоллаштириш ва зарурий имтиёзлар яратиш масалалари мавжуд.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси мутасадди ходимлари томонидан мурожаат қилинган ҳар бир масала ижобий ҳал этилади. Масалан: 2013 йил 26 июлдаги «Очиқ эшиклар куни»да Ҳамза туманида истиқомат қиладиган хусусий тадбиркор «Одилов Д.Н.»нинг мурожаати кўриб чиқилди. Мурожаатда тадбиркор касаначилик, яъни тикувчиликни йўлга қўйиш учун қандай ҳужжатларни расмийлаштириш кераклиги ҳақида маълумот сўралган. Ушбу мурожаат ижобий ҳал қилинди, яъни қўмитада рўйхатдан ўтиб, атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатмаслик шарти билан маълумотнома берилди.

Шу тариқа мурожаат қилган ҳар бир тадбиркорлик субъектларига қонун доирасида амалий ёрдам бериб келинмоқда.

Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси хусусий тадбиркорларга ҳамма вақт ёрдам беришга тайёр, уларнинг мурожаати ижобий ҳал қилинмасдан қолмайди. Бундан ташқари қўмитада 277-75-43, 277-00-86 рақамли «Ишонч телефонлари» мунтазам равишда фаолият кўрсатиб келмоқда.

Тадбиркорлик субъектларидан «Очиқ эшиклар куни»да фаол қатнашиб, ишонч телефонларига қўнғироқ қилишларини сўраб қоламиз.

Қўмита ходимлари Сизга амалий ёрдам кўрсатишга ҳар доим тайёр.

**З.АҲМЕДОВ,**
**Тошкент шаҳар табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси назорат бўлими бошлиғи**

**Қарор ва ижро**

## БИЗ — СОҒЛОМ АХБОРОТ МУҲИТИ ТАРАФДОРИМИЗ!

***24 сентябрь куни «Туркистон» саройида «InfoCOM – 2013» – ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги доирасида ёшлар ўртасида «MIT.uz» миллий интернет-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган мазкур миллий интернет-танлов «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан қатор вазирлик, идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида шу йилнинг 1 мартидан 1 августигача давом этди. Тадбир ёшларни глобаллашув шароитида ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш, уларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмасини ошириш, амалга оширилаётган ислоҳотларни интернет тармоғи орқали кенг ёритиш ҳамда тарғиб этишда ёшлар иштирокини кенгайтиришга қаратилган.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар барча соҳаларга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ва янада ривожлантириш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг шу йил 27 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури қабул қилиниши мамлакатимиз ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал равнақ топтиришга хизмат қилаётир.

«MIT.uz» миллий интернет-танлови мамлакатимиз ахборот ресурслари ва сервисларини яратиш ҳамда ривожлантириш, ёшлар учун мўлжалланган, шунингдек, ахборот маданиятини шакллантиришга кўмаклашадиган сифатли интернет-лойиҳаларни оммалаштириш, хавфсиз интернет маконини таъминлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш, ёш веб-дизайнерлар ҳамда дастурчиларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, интернетда ёшлар сегментини янада кенгайтириш ва ривожлантиришга қаратилган.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан бу борада қатор тадбирлар ўтказилди. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида видеоконференция шаклида ўтган миллий интернет-танлов тақдимотида мамлакатимизнинг барча ҳудудидан ёш дастурчилар, веб-дизайнерлар ва интернет-сайтлар муаллифлари иштирок этди. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига бағишланган ёшлар фестиваллари доирасида «Биз – соғлом ахборот муҳити тарафдоримиз!» шиори остида миллий интернет-танловни тарғиб қилиш тадбирлари бўлиб ўтди.

Танловда 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган минг нафардан ортиқ йигит-қиз қатнашди. UZ домени веб-ресурсларидан ташқари хорижий доменларда жойлаштирилган сайтлар ҳам намойиш этилди.

Танловга ижодий ишлар билан бир қаторда 225 интернет-сайт, 700 ариза – фотосуратлар, видеороликлар ва фотоколлекциялар ҳам тақдим этилди. Шуниси эътиборлики, танлов қатнашчиларининг 70 фоизи талабалардир. Тақдим этилган сайтларнинг 60 фоиздан ортиғи шу йил ишга туширилган.

Танловга келиб тушган жами 1002 ижодий ишнинг энг яхшилари тўққизта асосий ва бешта қўшимча номинация бўйича танлаб олинди. Хусусан, «Ўзбекистоннинг бой маданияти, санъати, тарихи ва мустақиллик ғоясини акс эттирадиган энг яхши сайт», «Маҳалла, қишлоқ ва шаҳарнинг энг яхши фотосурати», «Ўзбек мумтоз шеърияти ва адабиётини тарғиб қилувчи ва ёшлар иштирокида тайёрланган энг яхши ролик», «Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини акс эттирувчи энг яхши сайт», «Энг яхши янгиликлар сайти», «Фойдаланувчилар фикри бўйича энг яхши сайт» ва бошқа номинациялар бўйича учтадан совриндор аниқланди.

– Мамлакатимизда биз, ёшлар учун ҳар томонлама кенг имкониятлар яратилган, – дейди Daryo.uz янгиликлар интернет-лойиҳаси раҳбари Ф.Файзуллаев. – Ўзбекистонда веб-сайт ташкил қилиш, ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказиш, унинг интернет-журналистика сифатида фаолиятини йўлга қўйиш қисқа муддатларда амалга оширилмоқда. Биз «Энг яхши янгиликлар сайти» номинациясида учинчи ўринни қўлга киритдик ва бу мамлакатимизда интернет-журналистика ҳамда ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор самарасидир.

Тадбир доирасида танлов иштирокчилари ва ғолибларининг етмишдан ортиқ фотосуратлари, шунингдек, ёш дастурчиларнинг энг яхши веб-ишланмалари ва дастурий таъминоти кўргазмаси ҳам бўлиб ўтди.

Миллий интернет-танловнинг ғолиб ва совриндорларига диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

**(ЎзА)**

**Ҳукм ўқилди**

## ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ ЧИҚДИ

***Ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Боласининг яхши инсон бўлиб камолга етиши ва ҳаётда ўз ўрнини топиши учун имкон қадар ҳаракат қилади. Аммо қилинган барча саъй-ҳаракатлар бесамар кетиб, фарзанд ноқобил чиқса-чи? Демак, тарбияда хатоликка йўл қўйилган.***

Шуларни ўйлаб Нозимжон аканинг (исм-фамилиялар ўзгартириб берилмоқда) боши оғрийди. Ўғли Шокир ўттиз ёшни қоралабди ҳамки, бирорбир касбнинг бошини тутгани йўқ. Ишламагани, ота-онасига боқимандалиги етмагандай, ичкиликка ружу қўйди.

Онасининг ҳам дарди ичида. Унинг ўғил уйлантириб, келин тушириш орзуси ҳали-вери амалга ошмайдиган кўринади. Бетайин ўғил бир бева аёлга илакишиб қолган, энди уни уйга олиб келиб бирга яшамоқчи. Турган гапки, ота-онаси бунга қарши, шу сабаб у ҳар куни жанжал чиқаради. Аммо, охирги қилмиши олдида бу ишлари ҳолва экан...

Ўша куни ҳам одатдагидай кун бўйи санғиб юриб, кеч тушганда уйига келган Шокир эски гапларни қўзғаб, жанжал чиқарди. Сўнг ота-онасига аччиқ қилган бўлиб кўчага чиқиб кетди. Кета туриб ошхонадан пичоқ олганини ота-онаси кўрмай қолишди. Дуч келган кафега кириб, спиртли ичимликка буюртма берар экан, аввалдан ўйлаб юрган жиноий режасини пишитиб олди.

Кафедан чиққанида қоронғу тушиб қолган эди. Катта йўл бўйида туриб олиб, мўлжалидаги машинани кута бошлади. «Матиз» келиб тўхтади. Қараса ҳайдовчи бақувват ёш йигит. Йўлкирани келишолмаганини баҳона қилиб унга чиқмади. Келиб тўхтаган «Нексия» ҳайдовчиси ўрта ёшлардаги киши экан. Шокир ўзича чамалаб, нимагадир ишонди чоғи, борар манзилини ҳам айтмай олд ўриндиққа ўтириб олди.

Уни бир «Водник» даҳасига, бир Қорасувга олиб юрган ҳайдовчининг кўнгли шумликни сезгандай бўлди. Аммо йўлкирани тўлиқ олмагунча сабр қилишга қарор қилди. Шокирнинг чўпчакларини индамай эшитиб ўтирдию лекин ҳушёр турди.

Шокир пайт пойлаётган эди. Даҳанинг овлоқроқ жойига етганларида ҳайдовчидан ариқ бўйида тўхташни сўради. Машина ичида бироз гаплашиб ўтиришди. Ҳайдовчи адашмаган экан. Шокир ёнидаги пичоқ билан унга ташланиб қолди.

Ҳайдовчи эпчиллик қилиб унинг пичоқ тутган қўлини қайириб, ўриндиққа ура бошлади. Лекин енгил тан жароҳати олган ҳайдовчи Шокирнинг қутурган йиртқичдай ташланишини кўриб машинани ташлаб қочди.

Режаси охиригача амалга ошмаган Шокир буёғига нима қиларини билмай қолди. Машинани ўт олдириб, маъшуқаси томон ошиқди. Аммо аёл унга эшигини очмади. Нима қилиш керак? Тезроқ «Нексия»ни саранжомлаш керак. Бир-бир танишларини йўқлади, ярим тунда ҳеч кимнинг унга кўзи учиб тургани йўқ эди.

Яна ўша таниш аёлнинг уйига борди. «Сен учун ҳамма нарсага тайёрман. Мана, одам ўлдириб, машина ўғирладим. Бу ишни сэн учун қилдим», дея эшик ортида туриб ялинса ҳам аёл уни киритмади. Яна безовта қилса милицияга хабар беришини айтди.

Чорасиз қолган «ошиқ йигит» босқинчилик йўли билан қўлга киритган «Нексия»ни кўчада қолдириб, боши оққан томонга кетди...

Бу орада автомашина эгаси яқин орадаги милиция таянч пунктига мурожаат қилишга улгурган эди. Зудлик билан ўтказилган тезкор қидирув чоралари бесамар кетмади. Эртаси куниёқ Шокир «маъшуқаси» уйи олдида ҳуқуқ-тарғибот ходимлари томонидан ҳибсга олинди...

Халқимизда қилмиш қидирмиш деб бежизга айтилмайди. Жиноят ишлари бўйича Бектемир туман судининг ҳукми билан Шокир Эгамбердиев 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

**Ҳамид РАХМАТУЛЛАЕВ,**
**Юнусобод туман прокурори ёрдамчиси**

**Спорт янгиликлари**

## ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВЛАРИ

***Жорий йилда футбол бўйича 17 ёшли ўсмирлар ўртасида БААда уюштириладиган жаҳон чемпионатида Дилшод Нуралиев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам иштирок этади.***

Ушбу нуфузли мусобақага тайёргарлик кўриш мақсадида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси Австрияга борганлиги мухлисларга маълум. Австрияда уюштирилган ўқув-йиғин машғулотлари доирасида Дилшод Нуралиев шогирдлари Австрия ўсмирлар терма жамоасига қарши иккита ўртоқлик учрашувида омадини синаб кўрди. Дастлабки баҳсда томонлар муроса йўлини танлашди. Учрашув 1:1 ҳисобида якунланди. Терма жамоамиз голига Равшанбек Бурхонов муаллифлик қилди.

Афсуски, иккинчи беллашув майдон эгаларининг 3:0 ҳисобидаги ғалабаси билан якунланди.

Айни кунларда Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси юртимизда навбатдаги ўқув-йиғин машғулотларида иштирок этмоқда.

Шунингдек, 2014 йилда футбол бўйича 19 ёшли чарм тўп усталари иштирокида Мянмада Осиё чемпионати бўлиб ўтади. Ушбу турнирда қатнашишни истаётган Алексей Евстафеев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси жорий йилнинг 4-12 октябрь кунлари Қатарда уюштириладиган Осиё чемпионатига саралаш турнирининг «А» гуруҳида қатнашади. Гуруҳ баҳсларида Евстафеев шогирдларига Қатар, Туркманистон, Ҳиндистон ва Непал ёшлар терма жамоалари рақиблик қилишади.

Ушбу мусобақаларга тайёргарликни Тошкентда ўтказган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ўқув-йиғин машғулотлари доирасида япониялик тенгқурларига қарши икки марта ўртоқлик учрашувларида ўз имкониятларини синовдан ўтказди. «Жар» стадионида кечган дастлабки баҳсда вакилларимиз меҳмонларга 2:3 ҳисобида имкониятни бой берган бўлишса, иккинчи учрашув 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа билан якунланди.

Япония ёшлари билан уюштирилган баҳслар ҳамюртларимизга маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилиши аниқ.

## НАФИСАНИНГ ҒАЛАБАСИ

***Айни кунларда Тошкент аёллар ўртасида шахмат бўйича халқаро Гран-при турнирига мезбонлик қилмоқда.***

Ғолиблик учун жаҳоннинг энг кучли гроссмейстерлари қаторида ушбу нуфузли турнирда ҳамюртимиз Нафиса Мўминованинг ҳам иштирок этаётганлиги таҳсинга лойиқ.

Куни кеча ушбу халқаро турнирнинг учинчи тури ўтказилди. Унда қозоғистонлик Гулисхон Нагваевага қарши дона сурган Нафиса ажойиб ўйин намойиш этиб рақибасини 41-юришда мағлубиятга учратди ва муҳим очкога эга бўлди.

***Янги Зеландияда тоғ чанғиси бўйича уюштирилган халқаро турнир ҳамюртларимиз учун омадли якунланди.***

## ОЛИМПИАДАГА ИККИТА ЙЎЛЛАНМА

Унда иштирок этган вакилларимиз Артём Горунов ва Ксения Григорьева совринли ўринларни эгаллашди ҳамда 2014 йилда Сочида ўтказиладиган қишки Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритишди.

Бундан аввал фигурали учиш бўйича ўтказилган халқаро турнирда қатнашган ҳамюртимиз Михаил Гел ҳам қишки Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**



Аскар Ёқубов (ЎзА) олган сурат

## ЎЗБЕК ЦИРКИ УСТАСИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

***Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Республика Эстрада ва цирк коллежи ҳамкорлигида Ўзбекистон халқ артисти, цирк санъати устаси Карим Зариповнинг 120 йиллигига бағишлаб «Карим Зарипов ижодий фаолияти ва Зариповлар сулоласи» деб номланган кўргазма ташкил этилди.***

Кўргазмадан машҳур цирк устаси К.Зарипов фаолиятини акс эттирувчи экспонатлар, Зариповлар сулоласи фаолиятига доир материаллар, тарихий фото, видеолавҳалар, рангтасвир асарлари ва турли китоблар ўрин олган. Тадбир доирасида Республика эстрада ва цирк коллежи талабаларининг кўргазмали чиқишлари намойиш этилди. 28 сентябрда эса Ўзбек давлат циркида К.Зарипов хотира кечаси ўтказилади. Кечага маданият ва санъат арбоблари, мамлакатимиздаги чет эл элчихоналари вакиллари, цирк санъати ихлосмандлари таклиф этилади. Тадбирда Ўзбек давлат цирки артистлари, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандалари, эстрада-цирк йўналишида таълим олаётган ўқувчи-ёшлар иштирокидаги концерт дастури намойиш этилади.

Ўзбек миллий циркининг машҳур устаси Карим Зарипов нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон цирки ривожига ҳам катта ҳисса қўшган. У 1893 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. 1900 йилда 7 ёшида Тошкентда ташкил этилган циркда ўз фаолиятини бошлаган К.Зарипов анъанавий халқ циркининг «бесуяк», «муаллақчилик», «дорбозлик», «қизиқчилик» ва «чавандозлик» жанрларини равнақ топтиришга сидқидилдан хизмат қилган. Бугунги кунда Зариповлар сулоласининг вакиллари боболари — моҳир цирк артисти Карим Зарипов касбини давом эттирмоқдалар.

**Манзура БЕКЧОНОВА,**
**«Туркистон-пресс»**

## ЁШ КАРАТЭЧИЛАР БАҲСИ

***Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети спорт мажмуасида болалар ва ўсмирлар ўртасида каратэ бўйича республика мусобақаси ўтказилди.***

Ўзбекистон Миллий каратэ федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақанинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўз самараларини бераётгани алоҳида таъкидланди. Бугун юртимизнинг барча ҳудудларида фойдаланишга топширилган замонавий спорт иншоотларида минглаб ўғил-қизлар ўзи истаган спорт турлари билан мунтазам шуғулланиш имкониятига эга.

Истеъдодли ёш спортчиларни саралаш, халқаро турнирларга босқичма-босқич тайёрлаб бориш мақсадида ташкил этилган мусобақада 200 нафардан зиёд спортчи яккама-якка кураш ва комплекс машқ бажариш бўйича ўзаро рақобатлашди.

Муҳаммадсодиқ Раҳматуллаев, Камронбек Бадалов, Фаррух Омонов, Сардор Турсунпўлатов, Абдулазиз Машрабов, Мафтуна Тўрақулова ҳамда Ҳилола Бадалова ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

Умумжамоа ҳисобида Андижон вилояти вакиллари биринчи ўринни қўлга киритди. Наманганлик каратэчилар иккинчи, Тошкент шаҳри ва Сурхондарё вилояти жамоалари учинчи ўринни эгаллади.

**Даврон СУННАТОВ,**
**ЎзА мухбири**

**«101»**

## ХАЗОНЛАР ВА ШОХ-ШАББАЛАРНИ ЁҚИШ — КОНИ ЗАРАР

***Халқимиз азалдан озодаликка катта эътибор қаратади. Шу сабабли ҳам маҳаллаларда тозалаш, кўп қаватли уйлар олдидаги ва йўллардаги турли сунъий тўсиқларни олиб ташлаш, майдонларни қуруқ шох-шаббалардан орасталаш ишлари жадал кетмоқда.***

Бу ишларни ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари, маҳалла фаоллари, профилактика инспекторлари ҳамкорликда амалга оширмоқда. Ҳозир куз — хазонрезги фасли. Дарахтлардан барглар тўкилиб, шох-шаббалар қурийди. Бинобарин, уйлар олди майдонларидаги қуруқ ўтлар тозаланмаса, кўплаб ёнғинлар содир бўлиб, қанчадан-қанча ташвиш келтириши мумкин. Бундай нохушликларнинг олдини олиш мақсадида ҳамжиҳатликда ҳаммамиз ўз уй-жойларимиз атрофи, кўп қаватли уйлар ёнини қуруқ ўтлар, қуриган барглар ва шох-шаббалардан тозаласак нур устига нур бўлади.

**Эржан АМРАҚУЛОВ,**
**Мирзо Улуғбек ТИИБ ЁХБ ходими,**
**кичик сержант**

***Маълумки, ёнғинлар асосан эҳтиётсизлик, носоз электр тармоқлари, иситиш ускуналари ва тизимларидан фойдаланиш, болаларнинг катталар назоратидан четда қолиб олов билан ўйнашлари оқибатида келиб чиқади. Бу ҳодисаларнинг деярли ҳаммаси аҳоли турар жойларида юз беришини эса бепарволик, лоқайдликнинг бир кўриниши, десак адашмаган бўламиз.***

## БЕПАРВОЛИК ВА ЛОҚАЙДЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙМАНГ

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг ёнғинларнинг олдини олиш борасида маҳаллалар, халқ таълими муассасалари, корхона ва ташкилотларда ўтказаётган учрашувлар, кенг миқёсда олиб бораётган тушунтириш ишлари маълум даражада ўз натижасини бераётир. Бу эса олдимизга тарғибот ишларининг кўламини янада кенгайтириш вазифасини қўяди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, фуқароларга ёнғинларнинг олдини олиш борасидаги тушунтириш ишлари нафақат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг, балки шу жамиятда яшаётган ҳар бир замондошимизнинг бурчи эканлигини англата билишни мақсад сари қўйилган илк қадам деса бўлади.

Содир бўлаётган ёнғинларга кўп ҳолларда болалар сабабчи бўлиб қолаётгани уларга ёнғин, унинг оқибатлари, ушбу офат юз берганда бажарилиши талаб этиладиган тадбирларни содда тилда, қисқа ва лўнда тушунтириш лозимлигини тақозо қилади. Бола онгида ўт балоси ҳақида тасаввур уйғотиш содир бўлаётган нохуш ҳолатларнинг камайишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши табиий. Бу борада ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчилари билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ёнғиннинг олдини олиш чоралари ҳақида жонли (саҳналаштирилган) лавҳалар, кўргазмали қуроллар ёрдамида учрашувлар, суҳбатлар ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Аҳоли турар жой бинолари, хонадонларнинг ёнғин хавфсизлиги ҳолатларини текшириш, мавжуд камчиликлар ҳақида маълумотга эга бўлиш ҳам юз бериши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олишга хизмат қилади. Мазкур текширишларнинг бевосита маҳалла фаоллари иштирокида ўтказилиши ва жойида таҳлил қилиниши ҳудуддаги аҳолини ёнғин хавфсизлиги қоидаларига жиддийроқ қарашга, ёнғинни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этишга ундайди.

**Дониёр МУСАЕВ,**
**28-ХЁХҚ смена бошлиғи,**
**майор**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**ФУҚАРОЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Фуқаро (ташкилот)ларнинг Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси ҳамда Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати ходимлари билан биргаликда ишлаш жараёнларида, бошқарма ва хизмат ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракатларга йўл қўйилишининг олдини олиш ҳамда бу каби ҳолатлар юзага келганда тезкор чора-тадбирлар кўриш, юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун билан ҳимояланган ҳуқуқ ва манфаатлари поймол бўлмаслигини таъминлаш, шунингдек, бошқарма ва хизмат фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан маълумотлар қабул қилиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахслар билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатувчи «ишонч телефони» тизими жорий этилди.

**Ишонч телефони рақами: 239-35-21.**
**Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси раҳбарияти**

***АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!***

2013 йил 1 октябрдан электр энергияси учун янги тариф ўрнатилди.

Аҳоли томонидан маиший эҳтиёжлар учун сарф қилинган ҳар бир кВт-соат электр энергиясининг нархи 120 сўм 00 тийин, ошхонаси электр плиталари билан жиҳозланган уйлар учун эса 60 сўм 00 тийин этиб белгиланди.

«ToshshahETK» OAJ маъмурияти

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Савдога Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан,** Тошкент шаҳар, ЖИБ Олмазор туман судининг 2011 йил 28 апрелдаги 1-34/11-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Белтепа мавзеси, 11-уй, 156-хонадонда жойлашган, умумий майдони 110,14 кв.м, фойдаланиш майдони 66,32 кв.м. бўлган 5 хонали уй-жой такроран қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 129 047 025 сўм.**

**Савдо 2013 йил 14 октябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.** Аризалар иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (соат 13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2013 йил 11 октябрь куни соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР: 207122519 ҳ/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

**ЎЗГИДРОМЕТ**
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **26 сентябрь** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан ғарбга томон секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 18-20, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **26 сентябрда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз кўпайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 232-11-39
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz
Буюртма Г- 941
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 8841 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.20
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ